

ПАХТА МАЙДОНИ-МАРДЛАР МАЙДОНИ

ҚЎЛИДАН ИШ КЕЛАДИГАН, ЮРАГИДА ЎТИ, БИЛАГИДА ҚУВВАТИ БОР ҲАР БИР КИШИ
ҲОЗИР ДАЛАГА ЧИҚСИН, ПАХТА ТЕРСИН, УМУМХАЛҚ ИШИГА ЎЗ ҲИССАСИНИ ҚЎШСИН!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

У Л У Ф
ОКтяБРНИНГ
ЭЛИК ТҮРТ
ЙИЛЛИГИ
ШАРАФИГА

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЪ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЪ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 200 (4406). | 13 октябрь 1971, йил, | ЧОРИШАНБА | Баҳоси 2 тийин.

БУНКЕРЛАРДАН
200.000
ТОННА „ОҚ ОЛТИН“

200. 000 ТОННАГА
КИМ ҚАНЧА
ҲИССА ҚЎШДИ
Оққўрғон
54066 тонна
Ўрта Чирчиқ
38458 тонна
Бўка
26864 тонна
Бекобод
22433 тонна
Пискент
20139 тонна
Янгийўл
17511 тонна
Юқори Чирчиқ
17095 тонна

БУТУН КУЧ ПАХТА ТЕРИМИГА!

— Республикаимиз пахтаси 3 миллион тоннадан ошди.

— Тошкент пахтакорлари улкан хирмонга 300 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» тўқидилар.

— Областиимизнинг «зангори кема» капитанларига оғирини! Улар шу кунгача 200 минг тоннадан ортиқ пахтани машиналарда тердилар.

— Маррага етиб келган, социалистик мажбуриятлариди ҳам бажарган марду-майdonларга шон-шарафлар!

Бу сўзлар каттадан-кичик ҳар бир меҳнаткаши шоду-хўррам қилмоқда, уларнинг қалбига ва дилига завоқ-шавоқ бахш этмоқда. Чунки пахта учун кураш республикаимиздаги ҳар бир меҳнаткашнинг, ҳар бир касб эгасининг ватанпарварлик ва интернационал бурчи бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам бу умумхалқ курашида қатнашиш ва унга оами-қўшни ҳисса қўлиши катта бахт ва улкан ишдир.

Ўз зиммаларига гойат юксак ва шарафли вазифа—она-Ватанин «оқ олтин»га бой, мўл-кўл қилиш вазифаси юклатилганлигини тўла тушуниган пахтакорларимиз бу йил мўл ҳосил етиштиришди. Бу ҳосил давлат планини асос, социалистик мажбуриятларимизни ҳам тўла бажариш имкониятини беради. Зафар маррасини эгаллаган, бирин-кетин галаба рапорти бераётган, социалистик мажбурият ҳисобига пахта топшираётган хўжаликлар ва районлар буни иқлоф кўрсатиб турибди.

Юқори Чирчиқ пахтакорларига эл-юрт қойил. Улар мардлик, жасорат намуналарини кўрсатдилар. Шу нарсаси кўнчилики, бу районнинг азамат меҳнаткорларини республикада биринчилар қатори машина терилиш пиланини бажардилар. «Зангори кема» бункерларидан улкан хирмонга тўқилган «оқ олтин» бир ярим ҳиссадан ҳам ошиб кетди, яъни план 155 процентдан ошириб бажарилди. Айрим колхозлар ҳосилини 80—90 процентини машиналарда териб олдилар. Областиимизда биринчи бўлиб галаба рапорти берган Урта Чирчиқ районидидаги Охунбобоев номи колхоз (район М. Рўзмаатов, партия ташкилотининг секретари М. Пўлатов ўртоқлар) социалистик мажбуриятларини ҳам шараф билан бажарди. Улар яна 150 тоннадан ортиқ пахта топшириш юзасидан иккинчи марта мажбурият олишди. Лавин халоз, пахта учун курашда ҳақиқий қаҳрамонлик кўрсатаётган бу азаматларга оғирини. Машиқларга «Ўзбекистон» ССР беш йиллик соҳибхон ҳам йиллик пиланини бажариб, яъни ҳосилини 14 минг тоннадан ошириш учун бир хушхабар келди: Пискент районининг миришкор пахтакорлари йиллик пиланини бажарганликлари ҳақида галаба рапорти бердилар.

Пахта учун курашнинг ҳал қилувчи даврига кирдик. Марра яқинлашган ва сўнгги тонналар учун кураш қизиган сари ишда масъулият, талабчанлик ҳам кучайди. Шундай шароитда мардлик, жасорат, ушшоқлик кўрсатиш, бутун куч, имкониятларини, «зангори кема»лар ва бошқа техникани пахта терилишга сафарбар этиб, етиштирилган мўл ҳосилини бир граммининг ҳам нобуд қилмай тезда йиниб-териб олиш партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, ҳар бир пахтакор, механизатор, хўжалик ҳодимлари ва шаҳарлик бирдорларининг ватан олдидаги, халқ олдидаги шарафли бурчидир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Минис-

трлар Совети республиканинг барча колхозчилари, совхоз ишчилари, механизаторлар, қишлоқ хўжалик мухтасисларида, жамми меҳнаткашларга Мурожаат қилдилар. Улар 4 миллион 400 минг тонна «оқ олтин» учун курашнинг ҳозирги масъулиятини ҳал қилувчи, долзарб кунларда уларни пахта йнгим-теримида актив иштирок этишга, даладада тинимсиз, кучлари борича меҳнат қилишга чақирадилар. Токи, етиштирилган ҳосилнинг ҳалмаси энг қисқа муддатларда, охириги кўсагигага йиниб-териб олисини, мажбурият сўзсиз бажарилсин.

Областиимиз пахтакорлари партия ва ҳукуматимиз Мурожаатига лаббай деб жавоб бермоқдалар. Улар бутун куч ва имкониятларини пахта терилишга сафарбар қилдилар. Колхозчилар, совхоз ишчилари, механизаторлар, шаҳар ва районларнинг аҳолиси, ҳамма ўзини сафарбар деб эълон қилди. Яна бир зўр берсак, гайрат камарини маҳкам боғлаб мардлик ва шикоят кўрсатсак, иштирок ва умид қилинган галаба марраси эгалланади.

Кузнинг ёнгарчиликлари яқинлашмоқда. Ҳавонинг азойи бузилабошлади. Агар ёнгарчилик бошланса, йнгим-терим мураккаблашиб кетади ва пахта тайёрлаш анча мушкуллашади. Шу сабабдан ҳозир илдамроқ ҳаракат қилмоқ керак. Табиатдан хайр-эхсон кутманг. Шу кунларда бой берилган ҳар бир кун ва соат қайтиб келмайди. Оғина бўлса ҳам хотиржамликка ва суеткашликка мутлоқ йўл қўймайлик. Пешана тери билан етиштирилган, тинимсиз кунлар ва туңларнинг меваси бўлган олтин дурдоналарини эгаллаш чанокларда, даладада қолиб кетишга йўл қўймайлик. Теримчилар ўртада социалистик мусобақа байроғини баланд кўтариб, суръатта-суръат қўшаберилик. Ҳаммага аjoyиб намуна кўрсатаётган, пахта фронтда мардлик ва қаҳрамонлик бахш этиб, бирин-кетин маррага етиб келётган илгорларга тенгашинг. Шаҳар ва районларнинг меҳнаткашлари, синглар ҳар талғидек бу сафар ҳам пахтакорларнинг кўмакчилиги ва энг яқин ёрдамчиси эканлигини яна бир марта кўрсатиб, йнгим-терим ишларини тезроқ тугатлашда актив иштирок этишга.

Пахтакор баҳадурлари — «зангори кема» капитанлари техникадан тўла фойдаланиб, пахта терилишда кўрак юладиган, тўнқилиш пахтани теридиган, кўрак чувишган машиналарнинг умумий ишлаши учун курашнингиз. Ҳар бир агрегатнинг икки сменида ишлашнинг таъминлангиз. Коммунистлар ва комсомоллар, сизнинг ўзингиз пахта учун курашнинг олдинги сафлариди бўлсин. Фидокорона меҳнатингиз ва отанин сўзингиз билан ҳаммамни гайрат ва шикоятта ишқолантирингиз.

Она-Ватанимиз биздан аъло сифатли «оқ олтин» кутмоқда. Бу қимматли хом ашёни музмин қадар кўпроқ етиштирайлик. Пахта учун курашнинг ҳал қилувчи давлари бошланган шу кунларда ҳаммамизнинг ўзини пахтакорларга — «оқ олтин» учун кураш фронтда бўлсин. Улар Октябрьнинг шонли 54 йиллиги ақиялашмоқда. Халқларимизга озодлик, бахт-саодат, янги дунё ва таррақийёт йўлини очиб берган улуг айёмин барча соҳаларда янгидан-янги зафарлар билан, пахта тайёрлаш юзасидан олдинги план ва мажбуриятларини мизин тўла бажариш билан кутиб олайлик.

ҲАММА ПАХТАЗОРГА!
ҲАММА ПАХТА ЙИГИМИ-ТЕРИМИГА!



Янгийўл районидидаги Собир Раҳимов номи колхоз механизаторлари кунлик нормаларини бир ярим барабарга етказиб адо этмоқдалар. Суратда: илгор механизаторлардан Н. Эргашев, З. Каримов ва Р. Ҳайдаров ўртоқлар. Ш. Иброҳимов фотоси.

ПИСКЕНТ РАЙОНИ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ЮТУҒИ

КПСС XXIV съезди қарорларини бажариш учун курашаётган Пискент районининг азамат пахтакорлари йиллик пилани бажардилар. Давлат қабул пунктларига пландаги 31 минг 295 тонна ўрнига 31 минг 318 тоннадан кўп «оқ олтин» етказиб берилди. Шундан 20 минг 139 тоннаси машиналарда териб олинди.

Районда йиллик пиланини муваффақиятли бажарилишида «Гулiston», Калинин номи, Ленин номи колхозларининг аъзолари ўз муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Пискентликлар бу йил она-Ватанга 42 минг тонна пахта етказиб беришга аҳд қилганлар. Барча колхозчилар, совхозчилар ишчилари, азамат механизаторлар республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатига жавобан дала ишлари суръатини кучайтирмоқдалар ва Октябрьнинг шонли 54 йиллиги шарафига муносиб совга тайёрлаш учун ҳаракат қилаётирлар.

400.000
ТОННА ПАХТА УЧУН

ОБЛАСТЪ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА
ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА
ШУ ЙИЛ 12 ОКтяБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ
(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунда тайёрлагани, учинчи стун — масъуи бошланган бери, тўртинчи стун — шу жумладан машина билан бир кунда терилган пахта, бешинчи стун — масъуи бошланган бери.

Юқори Чирчиқ	1,18	107,97	0,65	155,41
Пискент	2,35	100,07	1,67	91,54
Ўрта Чирчиқ	1,78	95,55	1,16	98,36
Оққўрғон	2,08	94,23	1,96	96,20
Бўка	2,57	89,54	2,68	65,28
Бекобод	1,84	85,00	1,35	79,55
Янгийўл	2,46	82,37	2,64	54,72
Областъ бўйича	2,10	91,73	1,87	89,67

ЛУБКОРЛАР СЎЗЛАРИНИНГ УСТИДАН ЧИҚДИЛАР

Улуг Октябрьни муносиб қутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақага қўшилган Тошкент областининг лубкорлари давлатта пландагидан ташқари канои пол топшириш юзасидан зиммаларига олган мажбуриятини бажардилар. Луб заводларининг

тайёрлов пунктларига 332 минг тонна қимматли хом ашё етказиб берилди.

Юқори Чирчиқ, Оққўрғон, Ўрта Чирчиқ, Янгийўл, Бўстонлиқ районларининг лубкор хўжаликларини яхши меҳнат қилдилар. (ЎзТАГ).

ПЛАН ҲАМ, МАЖБУРИЯТ ҲАМ БАЖАРИЛДИ

Тошкент областининг меҳнаткашлари давлатга сазбавот ва қовун-тарвуз сотиш социалистик мажбуриятларини бажардилар. Тайёрлов пунктларига 238 минг тоннадан зиёд сазбавот маҳсулотлари ва 74 минг тонна қовун-тарвуз етказиб берилди.

Калинин, Оржоникидзе, Бўстонлиқ, Янгийўл, Оҳангарон районларидидаги ихтисослаштирилган хўжаликларининг деҳқонлари бу ишга катта ҳисса қўшдилар.

Област сазбавотчилари ўз имкониятларини чамалаб, давлатга яна 34 минг тонна сазбавот ва 4 минг тонна қовун-тарвуз сотишга қарор қилдилар. (ЎзТАГ).

ИЛГОРЛАРГА КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП областъ комитети ва областъ икхроня комитетини районлар, колхозлар, совхозлар ва шаҳарлар ўртасида пахта терилиш ва давлатга сотиш юзасидан белгиланган социалистик мусобақанинг 1971 йил октябрь ойи иккинчи беш кунлиги якунларини қараб чиқиб қарор қилдилар.

Областъ партия комитети ва областъ икхроня комитетининг кўчма Қизил байроғи Бўка районига, (район партия комитетининг секретари Эгамбердиев, район икхроня комитетининг раиси Қодиров, район комсомол комитетининг секретари Жураев, район икхроня комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи Содиқов, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси Паромонов, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш беш инспектори Исҳоков ўртоқлар) берилди. Бу район йиллик пахта тайёрлаш пиланини 86,97 процент, шу жумладан машина терими пиланини 82,60 процент бажарган ва беш кунликда 14,04 процент, машина теримида 14,13 процент ушшга эришган. Кўчма Қизил байроқ Юқори Чирчиқ районидида олиб берилди.

Областъ партия комитети ва областъ икхроня комитетининг кўчма Қизил байроғи шу райондаги «Бўка» совхозига (директори Живодеров, партия ташкилотининг секретари Ким, комсомол ташкилотининг секретари Содиқов, ишчилар ко-

митетининг раиси Тўрабеков, бош агрономи Попов, бош инженер Мини ўртоқлар) қолдирилди. Бу совхоз пахта тайёрлаш йиллик пиланини 94,57, машина терими пиланини 103,54 процент бажарган ва беш кунликда 19,98, машина теримида 19,52 процент ушшга таъминлаган.

Областъ партия комитети ва областъ икхроня комитетининг кўчма Қизил байроғи Янгийўл районидида «Коммунизм» колхозига (район Исмаилов, партия ташкилотининг секретари Эшонхўжаев, комсомол ташкилотининг секретари Эрмекбоев, бош агрономи Мирзаахмедов, колхоз раисининг механизация ишлари бўйича ўринбосари Гойинов ўртоқлар) берилди. Колхоз йиллик пахта тайёрлаш пиланини 101,78, машина терими пиланини 65,0 процент бажарган ва беш кунликда 18,93 процент, шу жумладан машина теримида 30 процент ушшга таъминлаган. Кўчма Қизил байроқ шу райондаги «Ленинизм» колхозидан олиб берилди.

Областъ партия комитети ва областъ икхроня комитетининг кўчма Қизил байроғи Оққўрғон районидида Куйбисhev номи колхозига (район Нисево, партия ташкилотининг секретари Сайдиев, комсомол ташкилотининг секретари Мусакулов, бош агрономи Эргашев, колхоз раисининг механизация ишлари бўйича ўринбосари Сариев ўртоқлар) берилди. Кол-

хоз йиллик пахта тайёрлаш пиланини 99,38 процент, шу жумладан машина терими пиланини 75,33 процент бажарган ва беш кунликда 18,68 процент, машина теримида 21,86 процент ушшга таъминлаган. Кўчма Қизил байроқ Юқори Чирчиқ районидидаги К. Марис номи колхоздан олиб берилди.

Областъ партия комитети ва областъ икхроня комитетининг кўчма Қизил байроғи Чирчиқ шаҳрига (шаҳар партия комитетининг секретари Екубов, шаҳар икхроня комитетининг раиси Ларин, шаҳар комсомол комитетининг секретари Ламизкий ўртоқлар) берилди. Бу шаҳар меҳнаткашлари пахта йнгим-теримида актив қатнашиб берилган топширини 42,7 процент миқдорда бажарганлар ва беш кунликда 15,4 процент ушшга эришганлар. Кўчма Қизил байроқ Янгийўл шаҳридан олиб берилди.

Йнгим-теримида алоҳида намуна кўрсатган механизаторлар ва социалистик мусобақа голибларини мукофотлаш учун Бўка районига, шу райондаги «Бўка» совхозига, Янгийўл районидидаги «Коммунизм», Оққўрғон районидидаги Куйбисhev номи колхозига биттадан енгил автомашина ажратилди. Йнгим-теримида намуна кўрсатган шаҳарликларини мукофотлаш учун Чирчиқ шаҳрига қиммат баҳо совғалар берилди.

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

12 октябрда КПСС Марказий Комитети Снезий Бюросининг аъзодлигига кандидат, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов республика раҳбар ходимларининг бир гуруппасига орденлар топширди. Раҳбар ходимлар хўжалик ва маданий қурилишда, беш йиллик план топшириқларини бажаришда эришган муваффақиятлари учун мукофотланган эдилар.

Ш. Р. Рашидов мукофотларини топширгач мукофот олганларини муборакбод қилди. (ЎзТАГ).



Пахта тайёрлаш ва машиналарда пахта терилиш юзасидан йиллик планларини муддатидан олдин бажарган илгор хўжаликлар областъ «ХУРМАТ ПАХТАСИ»га ёнлашдилар.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИ БУНИЧА

«Правда» колхоз. Пахта тайёрлаш йиллик пиланини 104,34 процент, шу жумладан машина терими пиланини 322,16 процент бажарган. (Колхоз раиси И. А. Цой, колхоз партия ташкилотининг секретари Г. Б. Югай, комсомол ташкилотининг секретари Т. Теи, бош агроном В. Ким, инженер Л. Ким ўртоқлар).

Свердлов номи колхоз. Пахта тайёрлаш пиланини 110,75, машина терими пиланини 124,10 процент бажарган. (Колхоз раиси П. Ли, партия ташкилотининг секретари С. М. Теи, комсомол ташкилотининг секретари Н. Пак, бош агроном П. Н. Цой, бош инженер И. Ким ўртоқлар).

ЧИРЧИҚ ШАҲРИДА

ФОНДАЛИ СЕМИНАР

Яқинда Чирчиқ шаҳар партия комитетиде «Билим» жамияти бошланғич таълимнинг семинари бўлиб ўтди. Семинарда шаҳар партия комитетининг лектори И. Фрай, «Билим» жамиятининг лекторлари В. Лоизский, С. Ризаевлар «КПСС XXIV съезди қарорларида белгилаб берил-

ган идеологик вазифаларнинг бажарилиши», «Янги урф-одат ва анъаналарнинг турмушга татбиқ қилини» тўғрисида қизқарган лекциялар ўқиди. Семинарда, шунингдек «Билим» жамиятининг «Узбекистон» заводидидаги бошланғич таълимнинг раҳбари Р. Пономарев, химия комбинати бошланғич таълимнинг раҳбари С. Уха-

нов ва бошқалар сўзга чиқиди. **МАЛАКА ОШИРИШ УЧУН** Шаҳарда маънавий хизмат кўрсатиш деҳ ва устоналари кўпайиб бормоқда. Шу билан бир қаторда юксак малакали кадрларга эҳтиёж ҳам ортиб бораётган.

Тошкент области маънавий хизмат кўрсатиш бошқармасига қарашли ўқув-ишлаб чиқариш комбинатига ҳозирда малака ошириш учун яна бир гуруҳа маънавий хизмат ходимлари юборилди. Шунингдек, Чирчиқ маънавий хизмат кўрсатиш комбинатига 90 нафар киши малака ошириш. Маънавий хизмат кўрсатишнинг барча соҳалари бўйича 200 дан ортиқ киши шу курсларда ўқимокда.

ЯНГИ АГРЕГАТ

«Чирчиқторг»да пилонлар саралаш ва сортларга ажратиб учун кўп меҳнат сарф қилинган эди. Яқинда «Чирчиқторг»да пилонлар бошқармасининг бошлғи, проаб Н. Николаев пилонлар сараловчи янги агрегат ишга қўйди. Бу агрегат ишга туширилгач, 50 ишчи кучи тежалди. Янги агрегат Ўзбекистон ССР Савдо министрига таъсис билан республиканинг бошқа

ШАҲАРЛАРИДА ҲАМ КЕНГ ҚўЛАЛАНЛАДИ

ОБУНА ҚИЗГИН

Чирчиқ электротехника комбинатига 50 нафардан ортиқ ходим 1972 йил учун бир неча газета ва журналларга обона бўлди. В. Дроздов, А. Губайдуллин, П. Бараникова ва бошқалар обона қабулини уюштиришда жонбозлик кўрсатишди. Ҳозиргача комбинат бўйича 12 миң сўмдан зиёд обона тўпланди.

КИТОВЛАР ЯРМАРКАСИ

Ҳар йили «Чирчиқкинторг» филиали китовлар ярмаркасини ташкил қилади. Завод ва фабрикаларга кириш жойида, шаҳарнинг марказий кўчаларида ҳар кун, бозор майдонида эса янгилаб қурилган китов ярмаркаси мунтазам ишлаб турибди. Сентябрь ойи мобайнида 12 миңдан ортиқ дарслик ва бадий адабиётлар сотилди.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

Реклама
ва **Эълонлар**
ТЕЛЕВИДЕНИЕ

ВИРИНЧИ ПРОГРАММА
13.00 дан — Москва кўрсатади. **ТОШКЕНТ КўРСАТАДИ**
17.55 — Кўрсатувлар программаси.
Ўзбек тилида: 18.00 — «Қизил галстук» тележурнали, 18.35 — «Ахборот» информацион программаси (рус тилида), 18.50 — Бутунитифон Олий ўқув юрлари конференцияси, 19.10 — «Ахборот» информацион программаси, 19.30 — Ҳақ талантлари, Исмаилов ҚАЛАНДАРОВ.
20.00 дан — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КўРСАТАДИ
Ўқув кўрсатувлари
ПРОГРАММАСИ
11.30 — Киём. 10-синф. «Тўйинмаган углеводородларнинг тузилиши» (Ўзбек тилида).
Рус тилида: 12.00 — Ўқув фильми, 12.25 — Киём. 10-синф. «Тўйинмаган углеводородларнинг тузилиши».

17.35 дан — Москва кўрсатади. **ТОШКЕНТ КўРСАТАДИ**
Ўзбек тилида: 20.00 — «Ярим аср йилномаси» (кўп серияли телевизион ҳужжатли фильмнинг 1956 йил ҳақидаги серияси), 21.00 — «Ўзбекистон ишлор ҳужжатли» журнали саҳифаларида, 21.15 — Махмур соҳаблар. Ван Клиберн, 21.55 — Бадий фильм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КўРСАТАДИ
19.00 — Ўқув программаси. Тарих. 10-синф. «Комсомолларнинг жасорати абадий сўнас» (Ўзбек тилида).
Рус тилида: 19.40 — Надежда Обухова (фильм-концерт), 20.20 — Отлар ва болалар (фильм-спектакль).

ТЕАТР
ПАВОН НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 13/Х да Богачаров фонтани, 14/Х да Чин-Чин-Сан.
ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/Х да Ўғирланган умр, 14/Х да Олтин девор.
МУҲИМ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 13/Х да Парани сирлари, 14/Х да Кумуш тўй.
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Иван РУБАН раҳбарлигидаги ўргатилган ёшлар ҳайвонлар иштирокида Москва Давлат цирки артистларининг гастроллари.

Кино
Шеймек-Дончиқ — «ТОШ. КЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК» (кундуз ва кечкурун), «СПУТНИК», «МОСКВА» (тоғ соатлари).
Қалъа навои берди — «ЎЗБЕК. КИСТОН», «СПУТНИК» (жуфт соатлари), «ДРУЖБА» (кундуз ва кечкурун).
Ун икки стул (2 серия) — ҲАМЗА НОМЛИ (кундуз соат 12, 3 кеч 6 ва 9 да), «Кўчқар» (кундуз соат 12, 3 кеч 6 ва 8.45 минут), Тилисиз — «ЎЗБЕК. КИСТОН 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 11, 3 кеч 7 яримда).
Ешлар — «ЧАРНА» (жуфт соатлари).
Амазиз (2 серия) — САНЪАТ САРҲОН (кундуз ва кечкурун).
Ҳамроз (2 серия) — «ЎЗБЕК. КИСТОН 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12 ярим, 5 кеч 9 да).
Севинг тақдирлари — (кундуз соат 11, 1, 3, 4 ярим, кеч 6, 7 ярим ва 9 да), Майорнинг кундуз соат 12, 2 ярим, 5 ва кеч 9 да) — «КОМСОМЛ 30 ЙИЛЛИГИ».

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!
1972 йил учун қуйдаги Кишлоқ ҳужалик нашларига **ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА**
«Хлопководство», «ВЕСТНИК СЕЛЬСКОХО. ЗАЙСТВЕННО НАУКИ», «ЗЕМЛЕДЕЛИЕ», «САЛОВОДСТВО», «СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВО ЗА РУБЕЖОМ», «ЖИВНОВОДСТВО», «СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННАЯ БИОЛОГИЯ», «ГИДРОТЕХНИКА И МЕЛНО. РАЦИЯ», «СЕЛЬСКОХОЗ. МЕХАНИЗАТОР» ва бошқалар.
Ўзбекистон ССР Алоқа министрига «СО. ЮЗПЕЧАТЬ» бошқармаси.

ЎЗБЕКISTON КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЯТИГА
наборчилар, печатниклар, мувовазилар, галванотипистлар, электромонтерлар, слесарлар, сантехники, слесарлар, токарлар, электр.газ пайвандчилар, юрорда кўрсатилган мутахассисларга шогирдлар, ёрдамчи ишчилар, юнчи, лар, машинистлар, вахтерлар ва фаррошлар.

КЕРАК
Совет Армияси сафида хизматини ўтаб қайтганлар олти ой ичиде бепул ётоқхона ва кунда бир маҳал оғат билан таъмин, ланадилади.
Мурожаат учун адрес: Ленинград нумаси, 28-уй.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети наشريетининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р-02905 А-1840.
ИНДЕКС — 64697.

СОЛДАТ МАКТУБЛАРИ

АЪЛОЧИ

Бўлимаида Тўйчи Исмоиловни ҳамма ҳурмат қилади: тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги, сергаклиги билан у сафдошлари эътиборини қозongan.

Тўйчи Совет Армияси сафига қабул қилинганда оддий солдат эди. Мана ҳозир ефрейтор, ҳарбий хизмат аълочиси.

— Аввал машқлар бизни қийнатган бўлса, энди биз машқларни «қийнашмиз» — дейди Тўйчи ҳазиллашиб.

Тўйчи бу ерда шоферликдан ташқари электр лавандчилик касбини ҳам эгаллади. Сидридан ишлаб, кунлик нормасини доимо 110—115 процент адо этилади.

Калинин районидаги «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхоз-

анинг аълоси Тўйчи Исмоилов она-Ватан олдидаги муқаддас бурчини ана шундай адо этмоқда.

Р. ҚОДИРОВ, А. АХМедов.

ЎЗБЕКISTONЛИК ИГИТЛАР

Навобатдаги батальон синови тугади. Юксак ҳарбий маҳорат кўрсатган бир қатор жангчиларга бўлима командири ташаккур аъло қилди. У, айниқса, ўзбекистонлик сержантлар Ботир Ҳасанов, Олим Эшонқуловлар шайнига илқ сўзлар айтди.

Бу икки йигит ҳарбий маҳоратини ошира бориб, машқларни аъло бажарганлиги, сиёсий ва ҳарбий билимининг пухта эгалланлиги натижасида кичик сер-

жант унвонини олишга муяссар бўлишди. Улар командирлик қилётган бўлима ҳам қисмда аълочи ҳисобланади. Бу бўлималар Улуғ Октябрь революциясининг 54 йиллигини муносиват қилиш учун социалистик мажбурият олишган.

А. АБДУЛЛАЕВ, Примоков. ўлкаси.

«ОТА-ОНАЛАРИГА РАҲМАТ»

Мана, ҳарбий форма кийганимизга ҳам бир йил бўлиб қолди. Шу ўтган давр ичиде қисмида тошкентлик 30 йигит «Коммунистик меҳнат зарбдори», 10 киши «Ҳарбий кўриш аълочиси» унвонини олди ва нашонлар билан тақдирланди.

Биз, ўзбек йигитлари ишлаб

чиқаришда ва ҳарбий бўлимларини оширишда барчага ўрнак бўлиб, «Сийёсий ва ҳарбий билимлар аълочиси» унвонини олди. Бундай муваффақиятга эришишимизда бизга таълим берган устозларимиз — «Главлташкент-строй»га қарашли 159-қурилиш трестининг коммунистик меҳнат зарбдори, коммунист С. Орипов бошқараётган ғишт терувчилар бригадаси коллективидан низо-ятда миннатдоримиз.

Рота командири Турушев батальонини йилгида ҳамшаҳарларимиз ҳақида гапириб, сўзининг охирида шундай деди:

— Мана шунанга меҳнатсевар фарзандларини тарбиялаб, вояга етказган ота-оналарга чин қалбимдан ташаккур билдирмади.

Ю. РАҲИМОВ, Москва области.

Эл дастурхонига

● КАЛИНИН районидаги «Ленин йўли» колхоз ва «Дамачи» боддорчилик совхозиде экинлардан, мева ва узумдан мўл ҳосил етиштирилди. Деҳқонлар ана шу ҳосилларини тезроқ йиғиб олиш ва эл дастурхонига етказиб бериш учун курашмоқдалар. «Ленин йўли» бригадасиде етиштирилган мўл помидор ҳосили сира нобуд қилмай Тўйчиева ўз дўстоналарига намуна бўлмоқда. Шунингдек «Дамачи» бригадасиде соҳибдорлари бу йил Ватанга 470 тонна узум етказиб бердилар. Суратларда: 1. Ш. Тўйчиева помидорини жуятишга тайёрламоқда. 2. Бригада бошлиғи У. Мухамедов (чапда) ва район маҳсулот тайёрлаш инспекциясининг ходими Э. Тожибоев ўртоқлар.

Б. САФАРОВ фотолари.

ХАР ТЎҒРИДА

ЎЗУМ ТЕРУВЧИ МАШИНА

Францида ҳар йили кишлоқ ҳўжалик машина ва асбоб-ускуналарни кўргазмаси уюштирилади. Ёнг сўнгги кўргазмада намоиш этилган узум терувчи машина ихтирочилари иккита олтин медалдан бирини олишга муваффақ бўлишди.

Махмур комбайн чиндан ҳам узум териш жараёнини тўла автоматлаштириш иш-конини берди. Маълумки, узум ҳамма ерда ҳозиргача фақат қўлда узилади. Янги машина мўжизасига, у баланд-паст жойларда ҳам бемалол ишлаб, тез вақт ичиде қўллаб узум узди.

ОИНА ВА ҚЎРҒОШИН

АҚШдаги «Дилей-Овенс-Фолд» ширкати туғунасиюм ойна ишлаб чиқаришда ноб бир усулни қўлламоқда. Бу усул шундан иборатки, узалмасиз ҳаракат қилувчи ойна лентаси пелдан тўплатуғри ариб турган қалай сиртига келиб тушади ва тўб эритма устида сузиб боради. Демак, қалайи эритмаси ойна учун таянч хизматини ўтайди. Бунда ойна сиртида ҳеч қандай тирнаклик ёки гадир-будирлик бўлмайди. Силлиқ ва текис чиққан ойна учун энди пардозга ҳожат қолмайди.

СУВ ОСТИДА — ГАРАЖ

Швейцария ҳар йили миң-миңлаб туристларни қабул қилади. Кўпчилик бу ерга ўз машинасиде келиб, қўл ва тоғ водилари гузаллигидан баҳраманд бўлади. Аммо, мамлакатда гараж етишмайди, борлари эса аълоқибини қондиришмайди.

Шу босондан ҳам швейцариялик инженерлар сув остида гараж қуришни ташкил қилдилар. Улар тузган лойиҳа қабул қилинди. Ҳозир Женевани кўли остида, қирғоқ билан Монблан кўли орасиде 1450 ўринли гараж қурилади.

Қурувчилар кўлдан маълум бир участкани ажратиб олиб, тўсиқ дамба қурдилар ва сувни бу ердап ҳайдаб, қуридилар. Кейинчалик дамба йўлак хизматини ўтайди. Гараж усти эса икки метрлик сув қатлами билан қопланади.

Дунё хабарлари

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ГДРда

ДРЕЗДЕН. 11 октябрь. (ТАСС). СССР Олий Совети Президиумининг аълоси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аълоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

П. Е. Шелест бошчилигида дўстона визит билан ГДРда турган СССР Олий Совети делегацияси Дрезден округида 3 кун меҳмон бўлди. Делегация Саксония Швейцариясининг диққатга сазовор

жойлари билан танишди ва Дрезден давлат картина галереясини бориб кўрди. Делегация шарафига Дрезден шаҳар кенгаши биносиде қабул маросими ўтказилди.

САММИЙ МИННАТДОРЧИЛИК

АДЕН. 12 октябрь. (ТАСС). Яман халқ Демократик Республикасининг Бош министри Али Носир Мухаммад Москвада ва Совет Иттифоқининг бошқа шаҳарларида ЯХДР ҳукумат делегацияси саммиий кутиб олишга ва меҳмондўстлик учун Совет Иттифоқи халқига ва ҳукуматига сийдиқлидан миннатдорчилик изҳор қилди.

Али Носир Мухаммад шу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясиде сўзга чиқиб, демократик Яман олдида турган проблемаларини ҳал этишда СССРнинг бераётган ердими миннатдорчилик билан таъкидлаб ўтди.

ТЕЛТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● НЬО-ЙОРК. Жанубий Вьетнамда кўнриқор режим президенти Тхьеуинг ўз мухолифларидан ўч олишни тўхта-майпти. Кунни кеча Данаунда пистолетдан отилган уч ўч билан уруш ветеранлари-инвалидларининг ҳукуматга қарши на-моийишига бошчилик қилган Нгуен Нгок Тан ўлдирилди. «Нью-Йорк дейли ньюс» газетаси мухбирининг Сайгондан берган хабарига кўра, қотил ушланмаган.

● ХАРТУМ. Судан Революцион Кенгашининг раиси Қ. Нимейри Судан президенти қилиб сайланган. Ж. Нимейри 12 октябрда президентлик лавозимига расман ўтиради.

● ЛОНДОН. Ўтган кечаси Бельфаст ва Лондон-Деррида яна бомбардировка бўлиб ўтди. Портлаш натижасиде бир қанча би-но шикастланди. Бомбалардан бири Англия армиясининг юк машинасига ташланди.

Бельфаст кўчаларида аҳолининг Британия кўпчилири билан тўқнашувлари бўлиб ўтди. «Хавфсизлик кучлари» фавкулда ваколат тўғрисидаги қонун» асосиде тўқнашув қатнашчиларини қамоққа олди.

● АНКАРА. АҚШ вице-президенти Спиро Агно уч кунлик визит билан Туркияга келди. У Туркия президенти Явад Сунай ва бош министр Нихат Эрим билан учрашди.

ВЕНГРИЯ-СОВЕТ ДЎСТЛИГИ МУСТАҲКАМЛАМОҚДА

БУДАПЕШТ. 12 октябрь. (ТАСС). Венгрия-Совет дўстлиги жамиятининг коллектив аълоси бўлиш тўғрисида биринчи марта В. И. Ленин номидаги Дошчдьер металлургия комбинатининг меҳнаткашлари бошлаган ташаббусни бутун мамлакат аҳолиси жуда қизғин қўллаб-қувватламоқда.

Ана шу таклиф айтилгандан бери ўтган ярим йил ичиде бу жамиятининг коллектив аълолари 500 тага етай деб қолди. Улар орасиде саноат корхоналарининг коллективлари, кишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқариш кооперативларининг, давлат ҳўжаликларининг меҳнатчилари, муассасаларининг хизматчилари бор.

Венгрия-совет дўстлиги жамиятининг Будапештдаги правленеси номига келатган хат ва телеграммаларда мамлакат меҳнаткашлари жамиятининг коллектив аълолари бўлиб совет ва венгер ҳақидаги ўртасидеги дўстлиқни мустаҳкамлашда актив қатнашиб, совет меҳнаткашлари билан шахсий алоқаларини кенгайтириш, совет халқининг турмуши ва меҳнати билан, унинг йўлнамиз қуришдаги муваффақияти билан таниш-иштигани билдирмоқдалар.

Ленин номидаги Ленинроша шаҳрининг бутун аҳолиси яқинда жамиятининг коллектив аълоси бўлиш иштиғиде «кан-лигини изҳор қилди.

ЮГОСЛАВИЯДАГИ Тро-гир шаҳри ўрта аср архитектура ёдгорлиқларига бой бўлиб, ҳозир бу ерда кemasоз-лик саноати кенг ривожланган. Бу ерда ҳар йили СССР учти қўллаб кемалар қуриб ҳўжатланади. Суратда: шаҳарнинг сув дарвозалари.

В. ТЕРЕХОВ фотоси, (ТАСС фотохропшаси).

ҲИНДИСТОН КОМПАРТИЯСИ IX СЪЕЗДИ

КОЧИН. 11 октябрь. ТАСС махсус мухбири В. Макиш хабар беради:

Ҳиндистон Коммунистик партиясининг IX съезди бу ерда ўз ишнини тамомлади. Съезд антиимпериалистик, демократик ва прогрессив кучларини янгилаштириш учун, тинчлик, демократия ва социал тараққи-

ёт учун кураш широлари остида ўтди. Съезд партиянинг асосий ҳужжатларини — халқаро арал ва жаҳон коммунистик ҳаракати тўғрисидаги докладлар, мамлакатдаги сиёсий аҳвол тўғрисидаги доклад ва резолюцияни ҳамда ташкилий масалаларга доир докладлар иккилик билан маъқуллади.

Бу ҳужжатларда Ҳиндистон коммунистлари марксизм-ленинизм ғояларига, ишчилар синфининг ва барча меҳнаткашларининг ўз ҳаётли ҳуқуқ-ни ва манфаатлари учун, тинчлик, демократия ва социализм учун олди бораётган кураш ишига солиқ ажаниқла-рини яна бир марта таъкидла-

дилар. Съезд Ҳиндистон Компартияси раҳбарлигининг сиёсий йўлини маъқуллаб, миллий кенгашининг ва марказий контрол комиссиясининг янги составини бир овоздан сайлади. Ш. А. Данте партиянинг раиси қилиб, Ражешвар Рао бош секретари қилиб яна сайландилар.

УРУШГА ҚАРШИ ҲАРАКАТ КУЧАЙМОҚДА

ВАШИНГТОН. 12 октябрь. (ТАСС). Қўшма Штатларда урушга қарши ҳаракат янада зўр куч билан ажи олди.

Вьетнамдаги уруш тўғрисидаги масала ҳукуматнинг уни-хас-пўслаб ўтиш йўлидаги ҳам-ма уришчиларига қарамай кун тартибиде кескин масала бў-либ турибди, деди АҚШ кон-гресси вакиллар палатасининг

аълоси Б. Розенталь. У Нинсоннинг Вьетнамда олиб бора-ётган оқсатига қарши порози-лик юзасидан 13 октябрда ва 6 ноябрда оммавий намоийшлар ўтказилишини қўллаб-қувватла-ди.

Бундан ташқари «тинчлик учун курашчилар миллий ко-лицияси» 26 октябрда мамла-

катнинг 16 та энг катта ша-ҳарларида урушга қарши юриш ва митинглар ўтказмоқ-чи.

ПАРИЖ. 12 октябрь. (ТАСС). Қуролсизланиш, тинч-лик ва озолиқ учун кураш Франция ҳаракатининг миллий кенгаши Франция жамоатчили-гига мурожаат қилиб Ҳинди-Хитойдаги урушга қарши 6 но-

ябрда ўтказиладиган намоийш-да актив қатнашмига қачирди. Шу қачиринда бу намоийшлар шу кунни Америка Қўшма Штатларининг жамоат ташкилотлари томонидан ўтказиладиган урушга қар-ши ҳаракатини қўллаб-қувват-лаш белгиси остида уюштири-лади, деб уқтириб ўтилади.

БИЛДИРИШ

Шу йил 15 октябрь эрталаб соат 11 да Ўзбекистон КП Марказий Комитети наشريетини (Правда Востока кўчаси 26-уй) маж-лислар залиде Тошкент шаҳар ва область журналистларининг конференцияси очилди.

Делегатларини рўйхатга олиш эрталаб соат 10 дан бошланди.

ЎЗБЕКISTON ЖУРНАЛИСТЛАР СОЮЗИ ТОШКЕНТ ТАШКИЛОТИНИНГ ПРАВЕ-НИЕСИ.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.